

AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIK KARANTINI

ISSN 2181-8150


Ilmiy-amaliy jurnal

Maxsus son [3]. 2023



O'simliklar karantini va himoyasi xizmati oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashning muhim omilidir

mavzusida xalqaro miqyosida ilmiy amaliy anjuman



НЎХАТДА ЭКИШ БИЛАН БИР ВАҚТДА ҲАМДА ЎСУВ ДАВРИДА БИР ВА КЎП ЙИЛЛИК ИККИ ПАЛЛАЛИ БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ГЕРБИЦИДЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Турдиева Нилуфар Мўминовна, лаборатория мудир, к.х.ф.д., профессор,
Юлдошев Абдулазиз Абдумалик ўғли, таянч докторант
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти.

Аннотация. Бегона ўтлар қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ва сифатини камайтиради. Бегона ўтлар билан ўртача зарарланганда 20-25% га камаяди, кучли зарарланганда эса мутлақо ҳосил олинмаслиги мумкин.

Калит сўзлар. Гербицид, препарат, иккипаллали, бегона ўтлар, нўхат, биологик самарадорлик.

Аннотация. Сорные растения снижают урожайность сельскохозяйственных культур, ухудшают качество продукции. При средней засоренности посевов урожайность снижается на 20-25%, а при сильной засоренности вообще можно не получить урожая.

Ключевые слова. Гербицид, препарат, двудольные растения, сорные растения, нут, биологическая эффективность.

Annotation. Types and quantities of weeds in mosh fields, rate of occurrence. The Weeds reduce the productivity of the agricultural cultures, worsen the quality to product. Under average sowing productivity falls on 20-25%, but under strong in general possible not to get the harvests.

Key words. Herbicide, preparation, dicotyledonous plants, weed plant, corn, and biological effectiveness.

Бегона ўтларга қарши кураш. Бегона ўтларга қарши кураш – улар иқтисодий зарарлилик чегарасидан ошиб кетган тақдирдагина амалга оширилади, яъни қўлланиладиган назорат чоралари ҳосилдорлиги ошиши уларга харажатларни қоплайди. Турли хил бегона ўтларга қарши кураш чоралари мавжуд.

Жисмоний ўлчовлар. Бегонга ўтлар жисмоний муҳитни ўзгартириш орқали йўқ қилинади. Бунга ёқиш, юқори частотали оқимлар ва бошқалар орқали курашиш киради.

Бегона ўтларга қарши агротехник чораларга:

- Шудгорлаш,
- Экин экишдан олдин,
- Экин экилгандан сўнг ерга ишлов бериш тадбирлари киради.

Кузги шудгорни сифатли қилиб икки ярусли плуглар билан ўтказиш бегона ўтлар сонини кескин камайтиради. Чимқирқарли плуг билан тупроқ юзасига тўкилган бегона ўт уруғлари 30- 35 см чуқурликка кўмилса, маълум миқдорда уларнинг унувчанлигини йўқотади.

Ғумай, ажриқ, қамиш каби илдизпояли бегона ўтларни шудгорлашдан олдин ағдаргичи олинган плугда 18-22 см чуқурликда юмшатиб сўнгра чизель ёрдамида илдизпояларни тирмалаб олиш керак.

Ҳар йил ўзгарган чуқурликда ҳайдаш ҳам бегона ўтларни камайтиради.

Агар ер биринчи йили - 40 см,

Кейинги йилларда 25, 30, 35 ва 40 см чуқурликда шудгорланса, бегона ўт уруғлари тушган қатлам уч йилгача ер бетига чиқмайди ва унувчан уруғлар миқдори камаяди.

Кимёвий чоралар. Бу чоралар бегона ўтларни йўқ қиладиган кимёвий моддалар - гербицидлардан фойдаланишдан иборат.

Фитотсенотик чоралар. Маданий ўсимликларнинг рақобатбардошлигини оширадиган шароитлар яратилади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чоралари

Ўсимлик экинлар учун яхши ва бегона ўтлар учун ёмон бўлган тупроқ шароитининг ўзгариши.

Ташкилий

• Харитага солиш – бегона ўтларга қарши кураш чоратадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида бегона ўтлар сони ва уларнинг зичлиги ҳақидаги маълумотлардан иборат харталар тузиш.

• Уруғлик материални тозалаш — асосий экинни экишда уларни экишнинг олдини олиш мақсадида бегона ўтлар уруғини саралаш амалга оширилади.

• Ҳосилни ўз вақтида ва тўғри йиғиш – бу уюмга бегона ўт уруғларининг энг кам киришини таъминлайди.

• Озиқлантириш учун озуқа тайёрлаш - Озуқа имкон қадар камроқ униб чиқувчи бегона ўт уруғларини ўз ичига олиши керак, улар кейинчалик гўннга тушиши мумкин.

• Гўнгни қўллаш учун сақлаш ва тайёрлаш - бу бегона ўтлар уруғларининг энг катта йўқотилишини таъминлаши керак.

Нўхат экилган майдонларда ҳам барча экинзорлар сингари жуда кўп ўзига хос бегона ўтларнинг учраши кузатилади.

Тошкент вилоятининг ерларида гербицидларнинг ўсувчи бир йиллик икки паллали бегона ўтлар назоратда, яъни гербицид қўлланилмаганда жами 5,7 донани ташкил этди. Стомп 2 л/га (эталон) қўлланганда 15 кундан кейин ўртача шўра қайрилган мачин (*Amaranthus retroflexus*)-89,7%; кечки олабута (*Chenopodium album*)-91,8%; елпиғич мева олабута (*Atriplex flabellium Bunge*)-90,8%; экма хантал (*Fagopyrum esculentum Moench*)-84,5%; узунбарг хантал (*Brassica elongata Ehrh*)-83,3%; ўроқмева сутлама (*Euphorbia falcata*)-86,5%; бухоро тугмачагули (*Malva bucharica Iljin*)-85,5%; оддий откулоқ (*Pilosella confertus Willd*)-85,7%; қирғийбарг печак (*Convolvulus pilosellifolius Desr*)-81,6%; ўртача 0,7 ёки 86,6%; 30 кундан кейин ўртача 88,3%; 60 кундан сўнг 87,2%; умумий ўртача ҳисобланганда 87,4% самара берди. Стомп препарати

Нўхат майдонларида экиш билан бирга пендеметалин таъсир этувчи моддали
бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши таъсири (2022 й.)

№	Бегона ўтларнинг номлари	Назорат гербицидсиз, дона/м ²	Стоп 2 л/га (эталон)		Ястар 3 л/га		Ястар 6 л/га	
			дона/м ²	%	дона/м ²	%	дона/м ²	%
Гербицид сепилгандан 15 кун кейин								
1	Шўра Қайрилган мачин (<i>Amaranthus retroflēxus</i>)	6,8	0,7	89,7	0,6	91,2	0,5	92,6
2	Кечки олабута (<i>Chenopodium album</i>)	7,3	0,6	91,8	0,5	93,2	0,4	94,5
3	Елпиғич мева олабута (<i>Atriplex flabelium Bunge</i>)	6,5	0,6	90,8	0,5	92,3	0,5	92,3
4	Экма хантал (<i>Fagopyrum esculentum Moench</i>)	5,8	0,9	84,5	0,7	87,9	0,6	89,7
5	Узунбарг хантал (<i>Brassica elongata Ehrh</i>)	4,2	0,7	83,3	0,6	85,7	0,5	88,1
6	Ўроқмева сутлама (<i>Euphorbia falcata</i>)	5,2	0,7	86,5	0,6	88,5	0,5	90,4
7	Бухоро тугмачагули (<i>Malva bucharica Iljin</i>)	5,5	0,8	85,5	0,7	87,3	0,6	89,1
8	Оддий отқулок (<i>Rumex confertus Willd</i>)	4,9	0,7	85,7	0,7	85,7	0,6	87,8
9	Қирғийбарг печак (<i>Convolvulus pilosellifolius Desr</i>)	3,8	0,7	81,6	0,6	84,2	0,6	84,2
	Ўртача	5,6	0,7	86,6	0,6	88,4	0,5	89,9
Гербицид сепилгандан 30 кун кейин								
1	Шўра Қайрилган мачин (<i>Amaranthus retroflēxus</i>)	6,7	0,7	89,6	0,6	91,0	0,5	92,5
2	Кечки олабута (<i>Chenopodium album</i>)	7,5	0,5	93,3	0,5	93,3	0,4	94,7
3	Елпиғич мева олабута (<i>Atriplex flabelium Bunge</i>)	6,7	0,7	89,6	0,5	92,5	0,4	94,0
4	Экма хантал (<i>Fagopyrum esculentum Moench</i>)	6,1	0,8	86,9	0,6	90,2	0,5	91,8
5	Узунбарг хантал (<i>Brassica elongata Ehrh</i>)	4,5	0,6	86,7	0,5	88,9	0,4	91,1
6	Ўроқмева сутлама (<i>Euphorbia falcata</i>)	5,8	0,6	89,7	0,5	91,4	0,4	93,1
7	Бухоро тугмачагули (<i>Malva bucharica Iljin</i>)	5,7	0,7	87,7	0,4	93,0	0,4	93,0
8	Оддий отқулок (<i>Rumex confertus Willd</i>)	5,9	0,7	88,1	0,6	89,8	0,4	93,2
9	Қирғийбарг печак (<i>Convolvulus pilosellifolius Desr</i>)	4,8	0,8	83,3	0,6	87,5	0,4	91,7
	Ўртача	6,0	0,7	88,3	0,5	90,9	0,4	92,8
Гербицид сепилгандан 60 кун кейин								
1	Шўра Қайрилган мачин (<i>Amaranthus retroflēxus</i>)	6,5	0,7	89,2	0,5	92,3	0,4	93,8
2	Кечки олабута (<i>Chenopodium album</i>)	7,2	0,6	91,7	0,5	93,1	0,4	94,4
3	Елпиғич мева олабута (<i>Atriplex flabelium Bunge</i>)	6,1	0,7	88,5	0,5	91,8	0,4	93,4

№	Бегона ўтларнинг номлари	Назорат гербицидсиз, дона/м ²	Стой 2 л/га (эталон)		Ястар 3 л/га		Ястар 6 л/га	
			дона/м ²	%	дона/м ²	%	дона/м ²	%
Гербицид сепилгандан 60 кун кейин								
4	Экма хантал (<i>Fagopyrum esculentum Moench</i>)	5,7	0,7	87,7	0,5	91,2	0,4	93,0
5	Узунбарг хантал (<i>Brassica elongata Ehrh</i>)	4,3	0,6	86,0	0,5	88,4	0,4	90,7
6	Ўроқмева сутлама (<i>Euphorbia falcata</i>)	5,4	0,6	88,9	0,5	90,7	0,4	92,6
7	Бухоро тугмачагули (<i>Malva bucharica Iljin</i>)	5,1	0,7	86,3	0,4	92,2	0,4	92,2
8	Оддий отқулоқ (<i>Rumex confertus Willd</i>)	5,0	0,7	86,0	0,6	88,0	0,5	90,0
9	Қирғийбарг печак (<i>Convolvulus pilosellifolius Desr</i>)	4,1	0,8	80,5	0,6	85,4	0,5	87,8
	Ўртача	5,5	0,7	87,2	0,5	90,3	0,4	92,0
	Ўртача ҳисоблаш	5,7	0,7	87,4	0,6	89,9	0,5	91,5
	НСР₀₅ =							

қирғийбарг печак, экма хантал, узунбарг хантал кабиларга нисбатан кам таъсир кўрсатди, кечки олабута ва елпиғич мева олабутага яхши таъсир қилди.

Ястар препарати 3 л/га қўлланганда 15 кундан кейин ўртача шўра қайрилган мачин (*Amaranthus retroflexus*)-91,2%; кечки олабута (*Chenopodium album*)-93,2%; елпиғич мева олабута (*Atriplex flabelium Bunge*)-92,3%; экма хантал (*Fagopyrum esculentum Moench*)-87,9%; узунбарг хантал (*Brassica elongata Ehrh*)-85,7%; ўроқмева сутлама (*Euphorbia falcata*)-88,5%; бухоро тугмачагули (*Malva bucharica Iljin*)-87,3%; оддий отқулоқ (*Rumex confertus Willd*)-85,7%; қирғийбарг печак (*Convolvulus pilosellifolius Desr*)-84,2%; **ўртача** 0,6 ёки 88,4%; 30 кундан кейин ўртача 90,9%; 60 кундан сўнг 90,3%; умумий ўртача ҳисобланганда 89,9% самара берди. Ястар препарати 3 л/га меъёрда – узунбарг хантал, оддий отқулоқ, қирғийбарг печак кабиларга нисбатан кам таъсир кўрсатди, кечки олабута, елпиғич мева олабута ва бошқаларига яхши самара берди.

Ястар препарати 6 л/га қўлланганда 15 кундан кейин ўртача шўра қайрилган мачин (*Amaranthus retroflexus*)-92,6%; кечки олабута (*Chenopodium album*)-94,5%; елпиғич мева олабута (*Atriplex flabelium Bunge*)-92,3%; экма хантал (*Fagopyrum esculentum Moench*)-89,7%; узунбарг хантал (*Brassica elongata Ehrh*)-88,1%; ўроқмева сутлама (*Euphorbia falcata*)-90,4%; бухоро тугмачагули (*Malva bucharica Iljin*)-89,1%; оддий отқулоқ (*Rumex confertus Willd*)-87,8%; қирғийбарг печак (*Convolvulus pilosellifolius Desr*)-84,2%; **ўртача** 0,5 ёки 89,9%, 30 кундан кейин ўртача 92,8%, 60 кундан сўнг 92,0% умумий ўртача ҳисобланганда 91,5% самара берди. Ястар препаратини 6 л/га қўллаш барча бегона ўтларга нисбатан юқори таъсир

кўрсатди (1-жадвалда).

Нўхат экилган майдонларда ҳам барча экинзорлар сингари жуда кўп ўзига хос бегона ўтларнинг учраши кузатилди.

Тошкент вилоятининг ерларида гербицидларнинг ўсувчи бир йиллик икки паллали бегона ўтлар назоратда яъни, гербицид қўлланилмаганда жами 5,6 донани ташкил этди. Тажриба майдонларида икки паллали бегона ўтлар сони ўртача 5,7 донани, яъни жами 57 донани ташкил этди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, пендамиталин таъсир этувчи моддали препаратлар нўхат экиш билан бир вақтда қўлланганда бир йиллик икки паллали бегона ўтларга 90% атрофида, яъни яхши таъсир қилди, Стомп препаратини 2 л/га қўлланганга нисбатан ва Ястар препаратини 3 л/га меъёрда қўлланганга самарадорлик юқори бўлди, аммо баъзи бир йиллик ўтлар Экма хантал (*Fagopyrum esculentum Moench*) ва Узунбарг хантал (*Brassica elongata Ehrh*) га таъсири 80 % дан ошиқ бўлди. Шунингдек, кўп йиллик бегона ўтларга ҳам нисбатан камроқ таъсир қилди. Ястар препаратини 6 л/га меъёрда қўлланганда самарадорлик яхши бўлди. Бир йиллик бегона ўтларни 90% дан кўп нобуд қилди, кўп йилликларга ҳам 86 % дан кўп таъсир қилди.

Аммо кўп йиллик бегона ўтлар сони ҳаддан зиёд кўп бўлмаганда гербицид меъёрини ошириш оқибати яхши бўлмаслиги кузатилди. Чунки нўхатнинг унвчанлиги 2-3 л/га қўлланганга нисбатан паст бўлди. Ўсимликлар стресси эса юқори бўлди. Шунинг учун уларнинг салбий таъсирини олиш учун зудлик билан биостимулятор қўлланди. Гербицидлар меъёри ошириб қўлланганда ўсимликларнинг касалликка чидамлилиги камайганлиги ҳам кузатилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта// - Москва “Колос” - 1985. – С. 415–418.
2. Turdieva N. and others Biological Efficiency Of Herbicide (Elymis) Against Weeds In Crops. International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS) ISSN: 2643-640X Vol.5. Issue 3, March - 2021, - P. 179-182.
3. Turdieva N. and others Type, Ratio, Damaging Degrees Of Weeds And Effectiveness Of Herbicides Against To The Weeds, Which Meet Among Legume Crops. International Journal of Academic Management Science Research (IJAMSR) ISSN: 2643-900X Vol. 5 Issue 3, March – 2021. - P.66-69.

“AGRO KIMYO HIMOYA VA O‘SIMLIKLAR KARANTINI”

Ilmiy-amaliy jurnal

BOSH DIREKTOR

Mariyamxon
BOQIYEVA

MAS‘UL KOTIB

Abdunabi
ALIQULOV

DIZAYNER

Ulug‘bek
MAMAJONOV

Jurnal O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 26-mayda 0560-raqam bilan ro‘yxatga olingan. O‘zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2017-yil 30-martdagi №239/5-sonli qarori bilan qishloq xo‘jalik fanlari bo‘yicha ilmiy jurnallar ro‘yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2008-yildan chiqa boshlagan.

Bir yilda olti marta chop etiladi.

Nashr e‘lon qilingan sana:
05.12.2023-yil

Manzil: Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Bunyodkor shox ko‘chasi.
50 a-uy, 18-xona.

Tel: (+998 90) 353-37-77
(+998 90) 946-22-42

Web sayt: karantin-jurnali.uz
Telegram: karantinjurnali
Facebook: karantinjurnali
e-mail: karantinjurnali@mail.ru

3-SHO‘BA. O‘SIMLIKLARNI O‘SISHINI BOSHQARUVCHI PREPARATLAR VA GERBITSIDLARDAN FOYDALANISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR

R.YULDASHEVA. Kuzgi bug‘doyni oziqlantirish	308
M.APCLANOV, F.DAVLATOVA. Арпани намлашда кетган вақтни хисобга олиш	309
D.QODIROVA, M.USMONOVA. Buxoro vohasi sug‘oriladigan o‘tloqi-allyuvial tuproqlarining kimyoviy va agrokimyoviy xossalari	311
D.OTAQULOVA. Och tusli bo‘z tuproqlar sharoitida no‘xatning barg sathiga o‘g‘itlar va o‘stishni rag‘batlantiruvchi mikro o‘g‘itlarining ta‘siri	315
S.KOBESOV, N.ZINATDINOV, Z.IBRAGIMOVA. Qishloq xo‘jaligi ekin maydonlarida kuzgi agrotexnik tadbirlarni olib borish	318
B.NASIROV, N.KAMOLOVA. Kartoshka dalalarida begona o‘tlarga qarshi gerbitsidlarni qo‘llashning iqtisodiy samaradorligi	319
A.ISMOILOV, S.JO‘RAYEV. Sug‘oriladigan maydonlar sharoitida yasmiq nav va tizmalarining o‘sov davri davomiyligi	321
M.BEKEZHANOVA, H.SULTANOVA, S.ARYSTANGULOV, U.SIMOV, S.NYSANBAEV. Оценка эффективности защитно-стимулирующих составов при применении минеральных удобрений на посевах озимой пшеницы в условиях предгорно-степной зоны юго-восточного Казахстана	323
M.SAFAROV, S.BOTIROV, SH.SHOMURODOV. Барча турдаги бегона ўтларга қарши бир мартада курашишда гербицидлардан фойдаланиш шартлари ва имкониятлари	326
B.BALTAEV, S.BOLTAEV. Органик пахта етиштиришда инновацион тажриба ва натижалар	328
U.QARSHIEVA, H.CHORIEV. Kuzgi bug‘дой don sifati-ga ekiш va ўg‘it me‘erlarining ta‘siri	330
T.XUDAYKULOV, SH.ABDUALIMOV. Fўzaning fotosintez soф maхsulдорлигига ҳосилдор стимуляторининг таъсири	332
J.XAJEYBOEV, Z.ISMATULLAEV, S.TOSHMATOV. Kuzgi юмшоқ bug‘дойнинг don ҳосилдорлигига уни-агро ва супер кас ўg‘itларининг таъсири ...	334
J.AHMEDOV, X.RAJIMBERDIEV, R.MIRXOШИYEV, M.XOJIMATOV. Шўрга ва сувсизликга бардошли янги “Сайхун-1” fўза нави	336
N.SULAYMONOVA. The importance of modern approaches to the teaching of the english language	337
H.TURDIEVA, M.QALANDAROVA, D.OMONKULOV. Картошка майдонида учрайдиган бир ва кўп йиллик икки паллали бегона ўтлар тур-микдорлари ва зарарлаш даражаси	338
M.ARAMOV, B.MUKIMOV, B.ALIEV. Ўзбекистон жанубида индау (<i>Eruca sativa</i> Mill.) Уруғлик ўсимликларининг кузги мақбул экиш муддатлари ва схемалари	340
H.TURDIEVA, A.YULDOSHEV. Нўхатда экиш билан бир вақтда ҳамда ўсув даврида бир ва кўп йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши гербицидларнинг самарадорлиги	345
M.ALIMOV, H.SULAYMONOVA. Ўсимликлар карантини ва химояси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалигини иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилидир	348
N.SAYFULLAYEVA. Makka jo‘xori ko‘chat qalinligi va don hosildorligiga begona o‘tlarga qarshi gerbitsid qo‘llash muddatlari va me‘yorlarining ta‘siri	351
M.CHULIEV. Суғоришнинг соя ҳосилдорлигига таъсири	356
J.HAMDAMOV. Соя ўсимлигининг шохланиши ва ҳосил элементларининг шаклланишига туганак бактерияларни ўзида сақловчи тупроқ ҳамда Fosstim-3 бактериял ўg‘ити қўллашни самарадорлиги	358
SH.YULDASHEVA. Применение химических препаратов против белокрылки из отряда <i>Homoptera</i> на розах защищенного грунта Ташкентской области	360
E.PARDAEV, A.QIZIBOEV, H.CHORSHANBIYEV, F.SAYDALOV, L.AMANOV. Ингичка толали fўzaning ўсиш даврида конвалюцион нейрон тармоғини қўллаш орқали fўза етиштиришнинг самарадорлигини ошириш	362
M.MASHARABOV, SH.NORMAMATOV. Фосфорли ўg‘ит турлари ва ме‘ерининг ширин калампир ҳосилдорлигига таъсири	366
A.SAGITOV. Prospects for chemical and biological protection of plants	368
A.HAYDAROV, D.ISROILOV. G‘o‘zada BASEGATE gerbitsidini bir va ko‘p yillik boshloqi begona o‘tlarga qarshi samaradorligi	370
M.JUMANOVA. Dala va laboratoriya sharoitida fasol (<i>Vicia faba</i> L.) tizmalarining tadqiqot natijalari	373
Z.IBRAGIMOV. Атлантис гербицидини турли муддат ва ме‘ерларда қўллашнинг кузги bug‘дой донининг сифати-ga таъсири	378
Z.UMAROV. Олманин г калмараз ва монолоз касалликларига қарши страж фунгицидининг биологик самарадорлиги	381